

## ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ (Андижон вилояти мисолида)



*Мўйдинов Баходиржон Нуманович*

University of economics and pedagogy НОТМ Ўқув ишлари бўйича  
проректор, “Иқтисодиёт” кафедраси доценти,  
иқтисод фанлари номзоди

*Сайдходжаева Нигорахон Ибайдуллаевна*

University of economics and pedagogy НОТМ  
“Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси

**Аннотация:** Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида, жумладан Андижон вилоятида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар сони ортиб бормоқда ва улар фаолияти иқтисодиётнинг барча тармоқларида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Ушбу мақолада тадбиркорлик субъектларининг бошқарув механизми самарадорлигини ошириш вилоятнинг асосий иқтисодий кўрсаткичларига қандан таъсир қилиши таҳлил қилинган. Шу билан бирга тадбиркорлик фаолиятини бошқарув самарадорлигини ошириш орқали сифатли, рақобатбардош ва ҳамёнбоп маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти ҳам ортиб бориши, бу эса ўз навбатида аҳоли турмуш фаровонлигини ошишига хисса қўшиши очиб берилган.

**Калит сўзлар:** солиқлар, маҳаллий бюджет тушумлари, бошқарув механизми, самарадорлик, бизнес самарадорлиги, ялпи ҳудудий маҳсулот, кичик бизнес, тадбиркорлик субъектлари, технологик жиҳатдан янгилаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, инновацияларни ўзлаштириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш, рақобат муҳити, экспортбоп, импорт ўрнини босувчи товарлар, салмоқли улуш, шаффоф муҳит, хусусий мулкни ҳимоя қилиш.

**Аннотация:** В последние годы количество субъектов предпринимательства, осуществляющих предпринимательскую деятельность в Республике Узбекистан, в том числе в Андижанской области, увеличивается, а их деятельность приобретает все большее значение во всех отраслях экономики. В данной статье анализируется, как повышение эффективности механизма управления субъектами предпринимательства влияет на основные экономические показатели региона. При этом выявлено, что за счет повышения эффективности управления бизнесом увеличится возможность выпуска качественной, конкурентоспособной и доступной продукции, что в свою очередь будет способствовать повышению благосостояния населения.

**Ключевые слова:** налоги, доходы местного бюджета, механизм управления, эффективность, эффективность бизнеса, валовой региональный продукт, малый

бизнес, субъекты хозяйствования, технологические инновации, развитие предпринимательства, внедрение инноваций, рациональное использование ресурсов, конкурентная среда, экспортоориентированный, импортозамещающий товары, важная доля, прозрачная среда, защита частной собственности.

**Annotatsion:** In recent years, the number of business entities engaged in entrepreneurial activity in the Republic of Uzbekistan, including in the Andijan region, has increased, and their activities are becoming increasingly important in all sectors of the economy. This article analyzes how increasing the efficiency of the business entity management mechanism affects the main economic indicators of the region. At the same time, it was revealed that by increasing the efficiency of business management, the possibility of producing high-quality, competitive and affordable products will increase, which in turn will contribute to improving the well-being of the population.

**Keywords:** taxes, local budget revenues, management mechanism, efficiency, business efficiency, gross regional product, small business, business entities, technological innovations, entrepreneurship development, innovation implementation, rational use of resources, competitive environment, export-oriented, import-substituting goods, important share, transparent environment, protection of private property.

### Кириш

Бозор иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида жамиятимиз иқтисодиётидаги етакчи тармоқларни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан замонавийлаштириш, иқтисодиётнинг таркибий тузилмасини трансформациялаш, аҳоли даромадларининг юқори даражасини таъминлашда тадбиркорлик фаолиятини янада фаоллаштириш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини юқори дарага кўтариш муҳим ҳисобланади.

Агар дунё тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, замонавий бозор иқтисодиёти шароитида йирик корхоналар сони камайиб, кичик корхоналар сони кескин ўсди. Чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари бозор иқтисодиёти талабларига тезда мослашиб, инновацияларни ўзлаштиришда илғор бўлиб бормоқда. Бундан ташқари замон ривожланиб боргани сари эҳтиёжлар ҳам ўзгариб боради. Кичик корхоналар эса ўзгаришларга тез мослашувчан ҳисобланади. Йирик ишлаб чиқаришдаги катта техника ва технологияларни замонавийлаштириш, эскирдан воз кечиб, янгисига ўтиш катта харажат ва вақт талаб қилади. Бу эса янгитдан яратилаётган маҳсулот таннархини ортиб кетишига, бу маҳсулот билан бозордаги рақобатни енгишга имконият бўлмай қолиши мумкин. Шу боис, мамлакатимизда хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаёпти. Бозор динамикаси ва ўзгаришларига бундай мослашиш тадбиркорликнинг ривожланишига катта ҳисса қўшмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг маҳаллий эҳтиёжларни тўлиқ қоплаш ва маҳсулотларни экспорт қилишдаги аҳамияти ҳисобга олиниб, мазкур секторни ривожлантириш бўйича стратегия ва йўл хариталари ишлаб чиқилди ва изчил амалга оширилаёпти. Бу жараёнларнинг барчаси иқтисодиётни жадал ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор бўлади.

### Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ҳар қандай жамиятда самарадорликни ошириш, иқтисодий тараққиётнинг асосини яратади. Мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, меҳнат унумдорлиги ва самарадорликни ошириш воситаларига етарли даражада эътибор бериш талаб қилинади. Ҳозирги замон талабидан келиб чиқиб, ҳар бир бизнес вакили иқтисодий барқарорлигини таъминлаш мақсадида ўз олдига қўйган режа ва таклифларни ўйлаб кўриши ва самарали фаолият юритиши асосий вазифа қилиб белгилаб олинади.

Самарадорлик тушунчаси бўйича кўплаб иқтисодчи олимлар томонидан турли илмий изланишлар олиб борилган ҳолда улар ўзларининг қарашларини баён қилганлар. “Самарадорлик” тушунчасини фанга биринчи марта италян олими Вильфредо Парето (1848-1923) киритган, у чегараланган ресурслар бозорида товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ишлаб чиқариш самарадорлигини ўрганишга эътибор қаратди ва изланишлари натижасида “самарадорлик – бу, бозордаги шундай вазиятки, унда бирор киши бозордаги ўз ҳолатини бошқага халақит бермасдан ўзгартира олмайди<sup>1</sup>”, – деган хулосага келди. К.Р. Макконнелл, С.Л. Брюлар эса “самарадорликни камёб ресурслардан оқилона фойдаланиб, инсонлар эҳтиёжини қондириш<sup>2</sup>”, деб таърифлаганлар. С. Фишер, Р. Дорнбуш, Р. Шмалензилар самарадорликни талқин қилишда ишлаб чиқариш самарадорлигини имкониятлар чизиғи билан боғлашган. Улар “агар ишлаб чиқариш вариантлари шу имкониятлар чегарасида бўлса, ишлаб чиқариш ресурсларидан самарасиз фойдаланилмоқда<sup>3</sup>”, деган хулосага келишган.

В.В.Новожилов томонидан самарадорликка қуйидагича таъриф берилган: “...самарадорликни умумий тарзда фойдали самарани (натижадорликни) олиш учун сарфларга нисбатида ифодаланади<sup>4</sup>”, Л.М.Чистов томонидан: “ самарадорлик – бу вақт бирлигида ишлатиладиган ресурслар бирлиги ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот кўринишида фойдали хоссаларни концентрациясидир<sup>5</sup>”, деб таъриф берилади.

Мамлакатимизнинг етук олимлари Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё.<sup>6</sup>, Ўлмасов А., Ваҳобов А. В.<sup>7</sup>, Пардаев М. Қ., Абдукаримов А.<sup>8</sup>, Абдурахмонов К. Х.<sup>9</sup>, Ғуломов С. С.<sup>10</sup>лар ишлаб чиқаришдан олинган натижани ресурс сарфлари билан боғлаган ҳолда самарадорлик тушунчаси бўйича ўзларининг қарашларини баён қилганлар. Хусусан, академик Қ.Х.Абдурахмонов томонидан қуйидагича таъриф берилади: “Самарадорлик тушунчаси ниҳоятда кенг тушунчадир, у олинган самаранинг сарфларга нисбатини акс эттиради<sup>11</sup>”, А.Ўлмасов, А.Ваҳобов томонидан: “Самарадорлик ресурс сарфлари билан ишлаб чиқаришдан олинган натижанинг

<sup>1</sup> Румянцева Е. Е. Новая экономическая энциклопедия. – М: ИНФРА-М, 2005. – 724 с. Кузнецов Б.Л, Кузнецова С.Б., Андреева Ф.И. “Эффективность корпоративного развития”. – Набережные Челны: Изд-во Камской гос. нж.-экон. акад., 2005. – с. 119.

<sup>2</sup> Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В 2 т. / Пер. с англ. Т. 1 – Таллинн, 1993. – 400 с.

<sup>3</sup> Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. – М.: Дело Лтд., 1993. – 829 с.

<sup>4</sup> Новожилов В.В. “Проблемы измерения затрат и результатов при оптимальном планировании” // – М.: “Наука”, 1972. – с. 56-58.

<sup>5</sup> Чистов Л.М. “Теория эффективного управления социально-экономическими системами”. Учебник. – СПб.: “Астерион”, 2009. – с. 575.

<sup>6</sup> Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менеджмент : Дарслик. – Т.: Шарқ, 2002. – 704 б.652-б.

<sup>7</sup> Ўлмасов А., Ваҳобов А. В. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2014. – 480 б. 52-б.

<sup>8</sup> Пардаев М. Қ., Абдукаримов А. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Сам. ИСИ, 2007. – 154 б.

<sup>9</sup> Абдурахмонов К.Х. Меҳнат иқтисоди ва социологияси. – Т., 2004. – 215 б.

<sup>10</sup> Ғуломов С. С. ва бошқ. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Молия, 2002. – 224 б.

<sup>11</sup> Абдурахмонов Қ.Х. “Меҳнат иқтисодиёти”. - Т.: “Меҳнат”, 2004. - 398 б.

таққосланишини билдиради, яъни бу нима сарфлаб нимага эришганлигини кўрсатади<sup>12</sup>”, Б.А.Абдукаримов, М.Қ.Пардаев томонидан эса: “...самарадорлик - бу содир бўлаётган бирор иқтисодий жараённинг қандай натижа билан яқунланганини ифодалайди<sup>13</sup>” деб изоҳ берилади. Ушбу ёндашувларда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш муносабатларида эришиладиган иқтисодий манфаатдорлик ва ижтимоий нафлилик кўзланган мақсадга нисбатан ортиқ ёки устунлигида намоён бўлишини ифода этади<sup>14</sup>. Ш.Ш. Шодмонов ва Б.Э. Мамарахимовларнинг фикрига кўра, фойда олиш мақсадидан келиб чиққан ҳолда олинган фойда (F) ишлаб чиқаришга сарфланган ресурс харажатларига (RX) бўлинганига тенг<sup>15</sup>. Яъни,

$$S = \frac{F}{RX} * 100\%$$

### Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида қиёсий таққослаш, базавий ҳисоб-китоблар, гуруҳлаш ва иқтисодий таҳлил, статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

### Таҳлил ва натижалар

Кичик бизнес ишлаб чиқарувчиларида йирик ишлаб чиқарувчиларга нисбатан ишлаб чиқариш харажатларини тежаш имкониятлари юқори, шунинг учун, кичик бизнес ва тадбиркорликда бошқарувни тўғри ташкил қилиниши бозорни арзон ва сифатли маҳсулот билан тўлдириш имкониятини яратади. Бу эса ўз навбатида, бозорда рақобат муҳитини шакллантириб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи товарлар даражасига етишини таъминлайди. Бу билан халқимиз учун арзон ва сифатли маҳсулотлар етказиб бериш орқали уларни давлат ва жамиятдан рози қилиш имконияти туғилади.

2023 йилда республикада тадбиркорлик, унинг кичик бизнес шакли билан банд бўлган корхоналар сони 411 мингдан ошди. Уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 66,7 фоизни ташкил этди. Хусусий тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва юритиш учун Андижон вилоятидаги имкониятлар, муаммо ва камчиликларни қуйидаги ҳолатларда кўриш мумкин:

1-жадвал

Вилоятда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун:	
Имкониятлар	Камчиликлар
Аҳоли зичлиги	Иш кучлари малакасиз
Вилоят қишлоқ хўжалигига асосланган ҳудуд	Географик жойлашув (вилоятлар ва давлатларни боғловчи катта магистрал йўлда эмаслиги)
Табиий иқлим шароит қулайлиги	Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун бериладиган ер майдонининг озлиги (10 сотих: ўртача 1 йиллик

<sup>12</sup> Ўлмасов А., Вахобов А. “Иқтисодиёт назарияси” (Дарслик) (тўлдирилган ва қайта ишланган нашри). - Т.: “ИQTISOD-MOLIYA”, 2014. – 41-43 б.

<sup>13</sup> Абдукаримов Б.А., Пардаев М.Қ. “Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили”. - С., 2007. - 154 б.

<sup>14</sup> Ж.Ш.Тухтабаев. “Саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигини ошириш механизмини такомиллаштиришнинг объектив зарурияти”. “Иқтисодиёт ва туризм” халқаро илмий ва инновацион журнали. №1(9)2023.119-132 бетлар.

<sup>15</sup> Шодмонов Ш.Ш., Б.Э.Мамарахимов “Иқтисодиёт назарияси”. Иқтисод-молия 2016 йил. 65-бет

	даромад 5 млн.ни ташкил қилади)
Азалий қадриятларни авлоддан авлодга ўтиши	Хом-ашё ва материаллар етишмаслиги

Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини юритиш ва уни бошқариш самарадорлигини оширишда давлат томонидан тадбиркорларни қўллаб-қувватланиши катта аҳамият касб этади. Давлатимизда, жумладан вилоятимизда ҳам кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятлари кенгайиб, иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг салмоқли улушини ўз қамровига олмақда. Андижон вилоятда ҳам кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш ва кенгайтириш чораларини кўриш зарурияти мавжуд.

Бугунги кунда Андижон вилоятида фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий кўрсаткичлари ўрганилганда вилоятдаги товар айланмаси, тадбиркорликнинг турли соҳаларида банд бўлган аҳоли сони ҳамда маҳаллий бюджет даромадлари таркибида кичик бизнес субъектларининг салмоқли улуши борлигини кўриш мумкин.

## 2-жадвал

### Андижон вилоятида фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг товар айланиш кўрсаткичлари<sup>16</sup>

млн.сум

№	Худуд номи	Товар обороти	Кичик бизнес субъектларининг сони	Суммаси	Улуши,%
<b>Вилоят буйича жами:</b>		<b>28937059,2</b>	<b>23137</b>	<b>24391104,2</b>	<b>84%</b>
1	Андижон ш.	9230773,0	6198	8361811,7	91%
2	Хонобод ш.	756608,4	397	725839,0	96%
3	Олтинқул т.	1414469,1	1198	1195228,1	85%
4	Андижон т.	3084223,2	2053	2541379,9	82%
5	Баликчи т.	2028050,3	1260	1754049,7	86%
6	Бустон т.	632668,6	763	521909,2	82%
7	Булокбоши т.	804691,4	685	705343,4	88%
8	Жалақудук т.	1417094,6	970	733059,9	52%
9	Избоскан т.	1105808,4	1142	991158,4	90%
10	Улугнор т.	627796,4	570	402270,1	64%
11	Кургонтепа т.	1020618,5	1056	836560,1	82%
12	Асака т.	1291624,7	1855	1065173,0	82%
13	Мархамат т.	746504,3	1164	442977,3	59%
14	Шахрихон т.	2639172,6	1659	2446142,0	93%
15	Пахтабод т.	857608,0	994	618703,6	72%

<sup>16</sup> Андижон вилояти Солиқ бошқармасининг маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

16	Хужаобод т.	1279347,6	1173	1049498,9	82%
----	-------------	-----------	------	-----------	-----

Маълумотлардан кўриш мумкинки, вилоят буйича жами товар айланмасининг 84 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари хиссасига тўғри келмоқда. Бу ҳолат ўз навбатида ушбу соҳани ривожлантириш учун берилаётган имкониятлардан самарали фойдаланилаётганлиги ҳамда вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш учун шаффоф муҳит яратилганлини билдиради. Товар айланмасининг энг кам миқдорлари Жалақудук туманида (52%), Улўнор туманида (64%) ва Мархамат туманида (59%) кузатилмоқда, демак, ушбу ҳудудларда тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш учун иқтисодий эркин муҳитни яратиш ва соҳа вакиллари учун имкониятларни ошириш чоралари кўрилиши кераклигидан далолат беради.

Андижон вилоятининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари буйича баҳо берадиган бўлсақ, 2024 йил 1 январь ҳолатига вилоят буйича аҳолининг умумий сони 3394379 кишини ташкил қилган. Аҳолининг умумий иш билан бандлик даражаси 444349 кишидан бўлиб, улардан 126845 нафари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан иш билан таъминланганлигини кўришимиз мумкин, бу эса жамига нисбатан 29%ни ташкил этади.

### 3-жадвал

**Андижон вилоятида фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида иш билан банд бўлган ишчилар сони тўғрисида маълумот<sup>17</sup>**

№	Худуд номи	Жами ишчилар сони	Кичик бизнес субъектларининг сони	Кичик бизнес субъектларида банд бўлган аҳоли сони, киши	Улуши,%
<b>Вилоят буйича жами:</b>		<b>444349</b>	<b>23137</b>	<b>126845</b>	<b>29%</b>
1	Андижон ш.	103898	6198	39088	38%
2	Ҳонобод ш.	8045	397	2802	35%
3	Олтинкул т.	20477	1198	5261	26%
4	Андижон т.	34532	2053	11598	34%
5	Баликчи т.	30938	1260	12177	39%
6	Бустон т.	12146	763	3239	27%
7	Булокбоши т.	16169	685	3632	22%
8	Жалақудук т.	25705	970	4575	18%
9	Избоскан т.	26121	1142	4719	18%
10	Улўнор т.	12096	570	1888	16%
11	Кургонтепа т.	17274	1056	4967	29%
12	Асака т.	29866	1855	7450	25%
13	Мархамат т.	22110	1164	4870	22%
14	Шахрихон т.	32562	1659	9312	29%

<sup>17</sup> Андижон вилояти Солиқ бошқармасининг маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

15	Пахтаобод т.	25316	994	4329	17%
16	Хужаобод т.	27094	1173	6938	26%

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, вилоят аҳолисининг жами(3394379 киши)га нисбатан иш билан таъминланган аҳоли сони(444349 киши) ҳамда иш билан таъминланган аҳоли таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида банд бўлган аҳоли сони(126845 киши) миқдор жиҳатдан паст кўрсаткичга эга бўлмоқда (жами аҳоли сонига нисбатан 3,7 фоиз). Айниқса, Хонобод шаҳри, Бўстон тумани ва Улуғнор туманидаги кўрсаткичлар пастлиги яққол намоён бўлмоқда, бу ҳолат аҳолининг иш билан таъминланганлиги талаб даражасида эмаслиги, аҳолининг иқтисодий билимлари, шу жумладан, тадбиркорлик бўйича билимлари ва кўникмаларининг шакланганлик даражаси пастлигини билдиради. Бу ҳолатни биз ижобий ҳолатга олиб келиш учун аҳолида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришимиз, тадбиркорлик фаолиятини бошқариш бўйича билим ва кўникмага эга бўлишини таъминлашимиз талаб қилинади.

Мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши давлат бюджети даромадларининг кўпайишига ҳам салмоқли хиссасини қўшади. Шу жумладан, вилоят миқёсида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилиши нафақат аҳолининг иш билан таъминланишини, балки маҳаллий бюджет даромадлари салмоғининг ошишига ҳам сабаб бўлади. Биз юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, вилоятдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг маҳаллий бюджет тушумларининг таркибидаги улушини кўриб чиқамиз.

#### 4-жадвал

#### Андижон вилоятда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг маҳаллий бюджет тушумларидаги улуши<sup>18</sup>

млн.сўм

№	Худуд номи	Маҳаллий бюджет тушумлари	Кичик бизнес субъектларининг сони	Маҳаллий бюджет тушумлари таркибида кичик бизнес субъектларининг суммаси	Улуши, %
<b>Вилоят буйича жами:</b>		<b>1059976,5</b>	<b>23137</b>	<b>394029,4</b>	<b>37%</b>
1	Андижон ш.	296717	6198	107589,7	36%
2	Хонобод ш.	25265	397	11523,3	46%
3	Олтинкул т.	44285	1198	14523,9	33%
4	Андижон т.	71929	2053	27235,3	38%
5	Баликчи т.	55218	1260	20134,3	36%

<sup>18</sup> Андижон вилояти Солиқ бошқармасининг маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

6	Бустон т.	20179	763	9534,8	47%
7	Булокбоши т.	39220	685	14514,8	37%
8	Жалакудук т.	30273	970	11478,2	38%
9	Избоскан т.	50592	1142	18452,9	36%
	Улугнор т.	21064	570	8457,6	40%
	Кургонтепа т.	68070	1056	24635,4	36%
	Асака т.	128677	1855	47589,9	37%
	Мархамат т.	42570	1164	15645,2	37%
	Шахрихон т.	67722	1659	25635,9	38%
	Пахтаобод т.	42342	994	15624,3	37%
	Хужаобод т.	55854	1173	21453,9	38%

2023 йилда вилоят бўйича маҳаллий бюджет тушумлари 1059976,5 млн.сўмни ташкил этган бўлиб, тушумнинг 394029,4 млн.сўми, яъни 37 фоиздан ортиғи кичик бизнес субъектларининг улуши ҳисобланади, тушумнинг энг кам миқдорлари эса Бўстон тумани ва Улугнор туманига тўғри келмоқда. Ўтказилган таҳлиллар натижаларига кўра, вилоятдаги барча иқтисодий кўрсаткичлар бўйича айнан шу туманларда энг паст натижалар кўринмоқда. Демак, айнан шу ҳудудлар бўйича кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича кенг қўламли ислохотлар ва чора-тадбирларни кўпайтириш лозим.

Мамлакатимиз Президентининг 2016 йил 6-октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4848-сонли фармони, 2019 йил 20-ноябрдаги “Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4525-сонли қарори мазкур фаолиятга тегишли бўлган вазифаларни амалга оширишда алоҳида ўрин тутди. Давлатимиз Президенти томонидан 14 сентябрь 2023 йилда имзоланган «Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-306-сон Қарорига асосан 2023 йил 1 октябрдан бошлаб «Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш» комплекс дастури амалга оширилмоқда.

2023 йил 1 январдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкаси 15 фоиздан 12 фоизга туширилди. Тадбиркорларнинг оширилган солиқ ставкалари бўйича ҳисобланган қарзларидан воз кечилди<sup>19</sup>. Жумладан, бу борада 2009 йилдан 2023 йилга қадар кичик саноат корхоналари учун ягона солиқ тўлови 7 фоиздан 4 фоизгача пасайтирилди.


1-чизма

### Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган солиқ ставкалари, % ҳисобида<sup>20</sup>

<sup>19</sup> Манба: <https://jizzax.uz/8935-prezident-tadbirkorlar-uchun-anday-engilliklarni-elon-ildi.html>

<sup>20</sup> Муаллиф ишланмаси





Чизмадаги маълумотлардан кўринадикки, 2009-2023 йиллар мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун белгиланган солиқ ставкалари 7 фоиздан 4 фоизгача, яъни деярли 2 баробар қисқарганлиги олиб борилаётган ислохотларнинг амалдаги тасдиғини кўрсатади.

Сўнгги икки йилда аҳолига деҳқончилик учун 8 минг гектар ҳосилдор экин ерлари берилган, 2023 йилда яна 10 минг гектар ер тарқатилди. Маҳаллаларда саноатни ривожлантириш учун 36 та микромарказ ташкил этилди. 2023 йил вилоятда 800 миллион долларлик 235 та инвестиция лойиҳаси якунланиб, 40 минг киши иш билан таъминланди. Аҳолига ажратиладиган 10 минг гектарда 75 мингта доимий ва 200 мингта мавсумий иш жойи очилди. Шунингдек, ишсиз одамларни касб-хунарга ўқитиш, маҳаллаларда ижтимоий ва тадбиркорлик инфратузилмасини яхшилаш бўйича ҳам белгиланган вазифалар амалга оширилмоқда.

### Хулоса ва таклифлар

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш республикада ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бу эса иқтисодий рақобатнинг ривожланишини, истеъмол бозорини товарлар ва хизмат турлари билан тўлдиришни, шунингдек, хусусий тадбиркорларнинг кенг қатламини яратишни тақозо этади. Буларни ҳисобга олиб, бугунги кунда Республикада қуйидаги масалаларни ҳал қилиш лозим:

- аҳолининг кенг табақаларини бозор фаолиятига олиб кириш, улардаги боқимандачилик, истеъмолчилик психологиясини бартараф қилиш, аҳолида хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес фаолияти билан фаол шуғулланиш истагини уйғотиш;

- ҳудудларда аҳоли бозор муносабатлари ва инфратузилмани жадаллаштириш, иқтисодий рақобатни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

- республика аҳолисининг ортиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга хизмат қилувчи иқтисодий ва ижтимоий шароитларни барпо этиш;

- кўрсатиладиган хизматлар турини ва миқёсини кескин ошириш, банк, аудиторлик, консалтинг ҳамда турли воситачилик фаолиятларини ҳозирги замон фан ва техникаси ютуқлари асосида юксак савияда ташкил этишни таъминлаш;

- корхоналарни бошқариш самарадорлигини ошириш, уларнинг иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлишларини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиб бериш;

- жойларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турлари ва ҳажмини бозор талабларига кўра осонлик билан мослаштира оладиган истеъмол бозорини товар билан тўлдириб, экспорт учун мол чиқара оладиган кичик корхоналар фаолиятини жорий қилиш;

- тадбиркорлик фаолиятини самарали ташкил қилишни янада яхшилаш мақсадида ҳудудларда “Тадбиркорлик фаолиятини самарали бошқариш” курсларини ташкил қилишни рағбатлантириш.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2022-2026 йилларда Андижон вилояти ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори. 21.04.2022 й.
2. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент : Дарслик. – Т.: Шарқ, 2002. – 704 б.652-б.
3. Ўлмасов А., Ваҳобов А. В. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2014. – 480 б. 52-б.
4. Пардаев М. Қ., Абдукаримов А. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Сам. ИСИ, 2007. – 154 б.
5. Абдукаримов Б.А., Пардаев М.Қ. “Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили”. - С., 2007. - 154 б.
6. Шодмонов Ш.Ш., Б.Э.Мамарахимов “Иқтисодиёт назарияси”. Иқтисод-молия 2016 йил. 65-бет
7. Румянцева Е. Е. Новая экономическая энциклопедия. – М: ИНФРА-М, 2005. – 724 с.
8. Кузнецов Б.Л, Кузнецова С.Б., Андреева Ф.И. “Эффективность корпоративного развития”. – Набережные Челны: Изд-во Камской гос. нж.-экон. акад., 2005. – с. 119.
9. Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В 2 т. / Пер. с англ. Т. 1 – Таллинн, 1993. – 400 с.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

